

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Прописка тизими ислоҳоти: кўчмас мулк бозорида қандай ўзгаришлар бўлади

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Мутахассисларнинг ҳисоблашича, яқин орада пойтахт кўчмас мулк бозорида фаоллашув кутилмоқда. Бу эпидемиологик вазиятнинг нормаллашуvidан кўра, кўпроқ доимий прописка қилиш ва рўйхатга олиш тизимининг ислоҳотлари билан боғлиқдир. Бу ислоҳотлар шу пайтгача қатор чекловлар амал қилган Тошкент уй-жой бозорига қандай таъсир кўрсатади? Қандай истиқбол, тенденциялар кутилмоқда? Бу ҳақда ЎзЛиДеП партиясидан Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгаши депутати, «MMG Facility Management Group» МЧЖ компанияси директори Фаррух РАҲМАТОВ сўзлаб берди.

Давлат дастурини (7.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармонга 1-илова) бажаришга қаратилган ҳужжатлар жумласидандир.

Ҳужжатдаги энг муҳим янгилик шундан иборатки, 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қурилган вақтидан қатъи назар, турар жой ва нотурар жой кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон фуқароларида ҳеч қандай муаммолар бўлмайди. Бундан буён ушбу ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлик талаб қилинмайди.

Ушбу ҳужжат кўчмас мулк бозорини ривожлантириш, фаол рақобатчилик муҳитини, бозор субъектлари – ҳам сотувчи, ҳам харидор учун тенг шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Ҳужжат билан ҳам янги қурилган, ҳам иккиламчи бозорда турар жой ва нотурар жой кўчмас мулкни сотиб олишда бошқа шаҳарлик фуқаролар ва пойтахт аҳли учун тенг шароитлар яратилди.

### Тўсиқлар ва чекловлар олиб ташланди

Илгари бошқа шаҳарлик фуқаролар пропискасиз фақат пойтахтдаги янги уй-жойлардан квартира олишлари рухсат этилган эди. Улар иккиламчи уй-жой бозорида квартира сотиб ололмас, бу эса харидорлар, шунингдек кўчмас мулк сотувчилари ўртасида тенгсизликни юзага келтирган. Бундай ҳолат фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини чеклаб қўяр, бозор ривожига тўсиқлик қиларди.

Қурилиш саноати, уй-жой қурилиши жадал ривожланишининг бошланғич босқичида уй-жой секторига устувор лойиҳаларни амалга оширадиган тадбиркорлар давлат томонидан қўллаб-қувватланган. Ушбу даврда вақтинчалик чора сифатида уй-жой бозорини давлат томонидан тартибга солиш дастаги бел-

гиланган. Ушбу амалиёт нормал ҳисобланган, бунда давлат иштирокида кўчмас мулк бозорида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш тартиби белгиланган.

Уй-жой бозоридаги барча субъектлар учун тенг шарт-шароитларни яратиш бозор фаолиятини либераллаштириш бўйича ўта муҳим ва кутилаётган қадам бўлади. Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро учун пойтахтдан уй-жой ва нотурар жойларни пропискага боғлиқ бўлмаган шароитда эркин сотиб олиш имконияти бозорни ривожлантириш, унинг ҳажми ва иштирокчилари сонини ошириш, фаол рақобатчилик муҳитини шакллантириш механизмлари йўлга қўйилишига олиб келадиган бир дастак ҳисобланади. Бу кўчмас мулк объектларининг эркин олди-сотдисига ғов бўлаётган тўсиқларни олиб ташлайди.

Прописка қилиш тизимининг такомиллаштирилмаганлиги бозор имкониятларини ва фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйганига бир нечта мисоллар келтириш мумкин. Масалан, илгари тегишли лавозимга сайланган, тайинланган, тасдиқланган ёки республика миқёсидаги давлат ташкилотларига ишга таклиф этилган бошқа ҳудудлардан бўлган шахсларга пойтахтда рўйхатдан ўтиш ҳуқуқи тақдим этилган. Бинобарин уларга мазкур ҳуқуқ фақат ушбу лавозимда бўлган даврларига берилар эди.

Тўсиқ бўладиган жиҳатлардан яна бири эр-хотинларнинг биргаликда камида 1 йил Тошкентда яшаган бўлиши ва бундан кейин уларни прописка қилиш имконияти кўриб чиқиши талаб этилганлигидир. Ёки аввал Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида прописка қилинган, мамлакатдан кўчиб кетган фуқаролар доимий яшаш учун қайтганларида прописка билан боғлиқ муаммоларга дуч келганлар. Ҳозир улар ҳеч бир тўсиқларсиз қайта рўйхатдан ўтишлари мумкин.

2-бетда

– Тошкент шаҳридаги кўчмас мулк бозорида кутилаётган фаоллашувда Президентнинг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» (22.04.2020 йилдаги ПФ-5984-сон) Фармони асосий омил бўлди (дарвоқе, бу борада 13.05.2020 йилда ЎРҚ-616-сон Қонун ҳам қабул қилинди – тахр.). Ҳужжатда рухсат бериш хусусиятига эга бўлган доимий прописка қилиш тизимидан босқичма-босқич хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиш назарда тутилган. «Доимий прописка қилиш» ва «турган жойи бўйича ҳисобга олиш» тушунчалари босқичма-босқич «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» ва «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» тушунчаларига ўзгартирилади.

Прописка тизими ислоҳ қилиниши фуқароларнинг эркин ҳаракатланиши, яшаш жойи, иш жойини танлашидаги бир қатор тўсиқларни бартараф этади. Бу мамлакатимиз иқтисодий ривожини, шу жумладан кўчмас мулк бозорининг ривожланишига, фуқароларнинг кўчмас мулк объектларидан фойдалана олишига имкон яратади.

Президентнинг мазкур Фармони Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида бир қатор қонун ҳужжатлари, шу жумладан Президентнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган вазифалар, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш

### МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

## «Домком»лар нимага керак?

«Домком»лар, яъни уй бошичилик билан боғлиқ масалалар доимо баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Хатто ҳозирги кунда, ҳамма ўзини яқкалаган бир шароитда ҳам бу масала ижтимоий тармоқларда қизғин муҳокама қилинаётгани ажабланарли. Томонлар уй бошиларнинг фаолияти аслида қонунийми, кўп квартиралар уйларга умуман улар керакми, улар ХУМШ раҳбариятининг ишини такрорламаяптими, бу ҳолатлар учун ҳуқуқий асос борми ўзи, деган саволларни ўртага ташлашади. Айримлар уй бошилар ўз манфаатларини кўзлашади, уйда ўзларини ҳўжайиндек тутишади, кўполликлар қилишади, овозини баландлатади, уйда яшовчилар билан сану манга боришади, ҳеч қандай ваколатга эга бўлмаган ҳолда одамлардан бир буни, бир уни талаб қилишади дейишади. Баъзида ХУМШ, БК, бошқа ташкилотлар билан тил бириктириб, уйда яшовчиларнинг манфаатига тамоман зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйишади ва ҳ.к.

7-бетда



Ушбу сонда:

### 3-4-БЕТЛАР

Янги ҳужжатлар билан танишинг

### 5-6-БЕТЛАР

Корхона реквизитлари ўзгарганда қандай йўл тутилади?

### 8-БЕТ

Маош «қўзиб юборилди». Бунинг учун ким жавоб беради?

## Прописка тизими ислоҳоти: кўчмас мулк бозорида қандай ўзгаришлар бўлади

1-бетда

### Бозор субъектларининг тенглиги: кимдир йўқотади, кимдир топади

Ҳозир кўчмас мулк бозорида барча шахслар тенг шароитларда фаолият юритмоқдалар. Бироқ тенгликнинг оқибатлари турлича бўлиши мумкин. «Иккиламчи» уй-жойлар анча талаб-гир бўлиши мумкин. Қурувчилар учун эса бундай янги воқелик пандемия оқибатлари ҳамда бир қатор устунликларни йўқотиш билан боғлиқ хатарларни юзага келтириши мумкин. Карантин бекор қилинганидан кейин аҳолининг тўлов қобилияти пасайиши эҳтимолдан холи эмас. Тегишinchа, янги уй-жойларга бўлган талаб ҳам камайиши мумкин. Харидор нарх diapазонидан келиб чиққан ҳолда, иккиламчи уй-жой фондини афзал кўриши мумкин.

Илгари асосан пойтахтда пропискага эга бўлиш мақсадида бир неча шахслар ёки оилалар томонидан кўчмас мулк объектига инвестиция киритилган ҳолда, бошқа ҳудудликлар биргаликда янги қурилган уй-жойлардан квартира сотиб олар эдилар. Ушбу тамойил прописка тизими ислоҳ қилиниши билан яқун топади. Қурувчи учун бу йўқотиш ҳисобланади. Бироқ ўйлашимизча, бу кейинчалик кўчмас мулкка узок муддатли маблағларни биргаликда киритиш қуринишида намоён бўлади.

Яна бир жиҳат. Илгари, янги уй-жойдан квартира сотиб олган бошқа ҳудудлик мулкдор алоҳида давлат божни ставкаси юқори бўлганлиги, яъни 400 БҲМни ташкил этганлиги сабабли 3 йил мобайнида квартирани сота олмас эди. Ҳозир бу бож бекор қилинган ва мулкдорлар Тошкент шаҳрида олди-сотди шартномасини тасдиқлаш учун белгиланган ставка бўйича давлат божини тўлаган ҳолда квартирани қайта сотишлари мумкин. Улар квартирани янги уй-жойдаги квартиралар нархидан паст нархда сотадиган бўлсалар, бу қурувчилар учун йўқотиш бўлади.

Талабни рағбатлантириш мақсадида Президентнинг Фармони билан бошқа ҳудудлик шахслар томонидан янги қурилган уй-жойлардан квартира сотиб олишда сотув суммасининг 5% миқдорда белгиланган давлат божни ставкаси бекор қилинади.

Ҳуқуқий янгиликлар тижорат фаолиятига мўлжалланган нотурар жойлар бозорини ривожлантиришга туртки бериши жуда муҳимдир. Бозор тадбиркорларни кутмоқда. Илгари бошқа ҳудудлик фуқаролар пропискисиз Тошкент шаҳрида нотурар жой кўчмас мулкни умуман сотиб ололмас эдилар. Ҳатто янги қурилган уй-жойдан квартира сотиб олиш қоидалари

ри бўйича ҳам бунинг иложи бўлмаган. Энди эса бу сегмент порлоқ истиқболга юз тутмоқда. Яқин кунларда бозорга ҳудудлардан истиқболли харидорлар келадилар. Бу Тошкент шаҳрида бизнесни ривожлантириш ва нотурар жой кўчмас мулкка бўлган талабни ошириш учун яхшигина рағбат бўлади.

### Инқироз кўчмас мулк бозорига таъсир кўрсатадими?

Албатта, пандемия билан боғлиқ инқироз қандай бўлмасин, барибир кўчмас мулк бозори, квартира нархларига таъсир кўрсатади. Бироқ нархларнинг кескин тушиб кетиши кузатилмас керак. Биринчидан, пойтахтда турар жойларга талаб ҳар доим нисбатан юқори бўлган. Иккинчидан, уй-жой сотиб олиш учун аҳолига кредит ажратиш дастаклари кенгайтирилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Прописка тизимини ислоҳ қилиш ҳам инқироз оқибатларини маълум даражада юмшатиши мумкин.

Прогнозларга кўра, турар жойлар нархи биров тушиши мумкин. Янги қуриладиган уй-жойларга келсак, бу ерда нарх-навонинг пасайиши янги қуриладиган объектлар сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин. Сабаби аксарият қурувчи ташкилотлар импорт қилинган замонавий материаллар ва технологиялардан фойдаланадилар ва бу квартира қийматида ўз аксини топади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча бўлиш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқилади. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқаролар рўйхатга олинади. Шу вақтга келиб эпидемиянинг салбий иқтисодий оқибатлари анча изга тушиб қолади. Уй-жой бозори жонланади. Янги қуриладиган ва иккиламчи уй-жойлар ўртасидаги рақобатда қурувчилар томонидан мақбул нархларда сифат ва қулайлик таъминланиши лозим.

Кўчмас мулк бозорида фаолият юритиш қоидаларини белгилайдиган қонун ҳужжатларида тартибга солиниши лозим бўлган яна бир қанча жиҳатлар мавжуд. Булар фуқароларнинг, шу жумладан чет элликларнинг қурилишда улуши иштирок этиш тартибидир. Бозорга фаолият юритадиган янги шахслар – чет элликларни улушли иштирок этишга жалб қилиш мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишини таъминлайди.

**Ирина Гребенюк,**  
махсус мухбиримиз.

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

## Барча давлат мулки ягона реестрга киритилади

Вазирлар Маҳкамасининг 8.5.2020 йилдаги 273-сон қарори билан давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳужжатнинг қоидалари давлат мулкни бошқариш, давлат улушини тадбиркорлик субъектларига бериш шартлари самарадорлигини оширишга қаратилган. Қарор билан иккита низоми тасдиқланди:

- Давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низоми;
- Чет элда жойлашган давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш ва уларни бошқариш тартиби тўғрисидаги низоми.

Давлат мулки объектлари реестрини онлайн режимида юритиш учун «property.davaktiv.uz» сайти барпо этилмоқда. Унда барча объектлар, давлат улушига эга юридик шахслар, давлат автотранспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари, фойдаланилмаётган ер майдонларининг тўлиқ ва аниқ ҳисоби бўлади.

Ахборот ҳар уч ойда янгиланади, бўш турган объектлар эса жойига чиқмаган ҳолда ва объектма-объект юрмасдан аниқланади.

Мамлакатимиз ташқарисида жойлашган давлат мулки объектлари бўйича аниқ ҳисоби, паспорти ҳамда ягона реестри юритилади. Давлатга тегишли корхоналар, акциялар пакети ва мулкий мажмуаларни сотиш халқаро стандартлар талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Икки ой муддатда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга давлат мулки объектлари, шунингдек, чет элда жойлашган давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаганлик учун раҳбарларнинг жавобгарлик чораларини белгилайдиган ўзгаришлар ишга қўйилди.

Бир ой муддатда бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича намунавий «йўл-харитаси» ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 8.05.2020 йилдан қучга кирди.

## ГМОли маҳсулотлар экспертизадан ўтказилади

Вазирлар Маҳкамасининг 11.05.2020 йилдаги 275-сон «Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картагена протоколи (Монреаль, 2000 йил 29 январь) қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Уни амалга ошириш бўйича Миллий марказ вазифаларини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази бажаради.

Унинг асосий вазифалари белгиланди:

- генетик модификацияланган организмларнинг (ГМО) биологик хавфсизлиги бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

- озиқ-овқат хом ашёси, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларида ГМОни аниқлаш бўйича лаборатория таҳлилларини ўтказиш;

- ГМО ва унинг асосида яратилган маҳсулотлар хавфсизлиги бўйича экспертизалар ташкил этиш;

- биологик хавфсизлик тўғрисидаги маълумотлар асосида миллий маълумотлар базасини яратиш ва бошқалар.

Иновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига ГМОни аниқлаш бўйича референс-лаборатория вазифаси юклатилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 12.05.2020 йилдан қучга кирди.

**Лола Абдуазимова.**

УШБУ СОНДА

#### • ДОЛЗАРБ МАВЗУ

– Прописка тизими ислоҳоти: кўчмас мулк бозорида қандай ўзгаришлар бўлади  
1-2-бетлар

#### • МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

– «Домком»лар нимага керак?

1, 7-бетлар

#### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатлари тақдим этамиз

2-бет

#### • РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарори

– «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида».

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат

– ЎЗП Транспорт вазирлиги, ОУМТВ,

ИИВнинг «Ўзбекистон Республикасида автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳнома бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қарори  
3-4-бетлар

• ХУЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Корхона почта манзили ва банкни ўзгартирган бўлса, нима қилиш зарур  
– Ижара шартномаси муддатини узайтираётганда нималарни инобатга олиш лозим  
5-6-бетлар

#### • КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Карантинда иш ҳақи қанча муддат тўланмай туриши мумкин  
– Янги ходим сизни алдамётганлигини қандай текшириш мумкин  
8-бет

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA AVTOMOTOTRANSPORT VOSITALARI ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ  
ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН ШУГУЛЛАНУВЧИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ  
БИТИРГАН ҲАЙДОВЧИЛИККА НОМЗОДЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ЯҲОНА НАМУНАДАГИ  
ГУВОҲНОМАНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН  
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 4–8-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«4. Имтиҳонлар натижаси ҳақида имтиҳон комиссияси раиси ва аъзолари томонидан баённома тўлдирилади, сўнгра таълим муассасаси раҳбари томонидан имзоланади.
5. Гувоҳнома бланкалари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг (кейинги ўринларда матнда – вазирлик) Автомобиль транспорти ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти (кейинги ўринларда матнда – институт) бююртмаси асосида тайёрланади.
6. Гувоҳнома бланкалари институтнинг тақсимотига асосан, таълим муассасаларга «махсус ҳудудий код»лар асосида вазирлиқнинг ҳудудий бошқармалари томонидан етказиб берилади (мазкур Низомнинг 2-иллова).
7. Гувоҳномалар таълим муассасаси бююртмаларига асосан

институт томонидан таъминланади.

Институт бююртмасига асосан гувоҳномалар «Давлат белгиси» бирлашмасининг Тошкент шаҳар босма фабрикасида босма усулда тайёрланади.

8. Гувоҳноманинг ташқи кўринишида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби ифодаланади, ички кўринишида эса, гувоҳноманинг ҳудудий коди, серияси ва рўйхат рақами, таълим муассасасининг номи, номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, ўқиш муддати, ўқув дастурининг номи, имтиҳон топширган фанларнинг номи, имтиҳон натижасига кўра олган баҳоси ҳамда берилган ҳайдовчилик гувоҳномасининг серияси ва рўйхат рақами кезилади.»

2. 1-иллова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

*Ўзбекистон Республикасида автототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шугулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга*  
ИЛОВА

*«Ўзбекистон Республикасида автототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шугулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомга*  
1-ИЛОВА

ТАШҚИ ТОМОНИ:



ИЧКИ ТОМОНИ:

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI

Таълим муассасаси/таълиқотқизувчиси  
10 АА 000001

GUVOH-NOMA

Берилш вақти

(familiya, ism, otasining ismi)

20\_\_ yilning \_\_ \_\_ \_\_ ga shu haqda

20\_\_ yilning \_\_ \_\_ \_\_ ga

20\_\_ yil \_\_ \_\_ \_\_ da  
«\_\_» \_\_ \_\_ \_\_ raqamli oltinchi komissiya  
asosida bajarilgan imtihonlarda qatnashgan baholalarini  
(qonqari, yaxshi, a'lo) olib

(o'qovchining nomi)  
(baho)

(o'qovchining nomi)  
(baho)

Imtihon komissiyasi raisi

(familiya, ism-sharhi) (imzo)

Таълим муассасаси (таълиқотқизувчиси)

(familiya, ism-sharhi) (imzo)

YHXB RIB (TRIB)

(Hududiy IV-IBB-IBB nomi)

Imtihon \_\_ \_\_ \_\_ seriyali

nomdagi haydovchilik guvohtonamasi berilish

RIB (TRIB) bo'shlig'i

(familiya, ism-sharhi) (imzo)

20\_\_ yil \_\_ \_\_ \_\_ MO

Ushbu hujjat avtomototransporti vositalarini  
boshqarish bo'limiga beriladi

10 АА 000001

».



# РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

## • ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

– ЎзР ТВ, ОУМТВ, ИИВнинг «Ўзбекистон Республикасида автоматотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ ЎТИШ МАҚСАДИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4508-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш жараёнларини самарали тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон қарори билан жисмоний шахслар томонидан божхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни республикага олиб киришнинг чекланган меъёрлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим турдаги товарларни олиб кириш меъёрларини тасдиқланганлиги;

б) Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товарларни олиб ўтиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 22 июндаги 463-сон қарорига асосан жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг автотўл (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтишнинг миқдор меъёрларини тасдиқланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4508-сон қарорига асосан:

2020 йил 1 январдан бошлаб, нотижорат мақсадлар учун божхона чегараси орқали қўл юкида ва кузатиб борилётган багажда товарлар олиб кираётган жисмоний шахслар учун, шунингдек, жисмоний шахс номига халқаро почта ва курьерлик

жўнатмалари орқали келадиган товарларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган божхона божи, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ўрнига ягона божхона тўловини тўлашни назарда tutувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилганлиги;

товарнинг божхона қийматидан 30 фоиз, лекин ҳар бир килограмми учун 3 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда ягона божхона тўлови ставкаси тасдиқланганлиги;

жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган товарлар тоифасига кирмайдиган товарлар рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 11-сон, 166-модда) билан тасдиқланган Давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 64-банди биринчи хат-бошидаги «тайёр» сўзи чиқариб ташлансин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирadi.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазيري С.У.Умурзаков ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 12 май  
281-сон.

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 14.08.2020 йилдан кучга кирadi.

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ ЎТИШ МАҚСАДИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низоми Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси (кейинги ўринларда – божхона чегараси) орқали товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиш мақсадини аниқлаш борасида ушбу жисмоний шахсларни божхона чегарасини кесиб ўтишида божхона назоратидан ўтказиш тартиботларини соддалаштириш, божхона органларининг ўз хизмат вази­фаларини бажаришида қонунийлик, очиқлик, шаффоқликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қарорларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришни назарда tutувчи тартибни белгилайди.

2. Мазкур Низомида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

шахсий эҳтиёжлар учун товарлар – жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган шахсий, oilавий (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) эҳтиёжлари учун мўлжалланган ҳамда тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган товарлар;

тижорат мақсадлар учун товарлар – божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар.

3. Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар шахсий эҳтиёжлар учун товарлар тоифасига жисмоний шахс (ун олти ёшга тўлмаган жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларни уларни кузатиб бораётган шахс) томонидан декларациялаш йўли орқали киритилади.

4. Ушбу Низоми қоидалари маълум тоифадаги шахслар (халқаро таъшишлар билан банд бўлган ҳайдовчилар, хизмат сафари бўйича ҳаракатланаётган шахслар ва делегация аъзолари), шунингдек, хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун кўчиб келаётган шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларга нисбатан татбиқ этилмайди.

### 2-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ ЎТИШ МАҚСАДИНИ АНИҚЛАШ

5. Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш божхона органининг мансабдор шахси товарларнинг миқдори, хусусияти ва олиб ўтилишининг такрорийлиги ҳамда сафарнинг ҳолатлари, шунингдек, божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар жисмоний шахс ва унинг oilа аъзолари шахсий эҳтиёжлари учун мўлжалланганлигини инобатга олиб, хавфни бошқариш тизими қўлланилган ҳолда аниқлайди.

6. Божхона органи мансабдор шахси товарнинг олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилишда қуйидаги мезонларга асосланади:

а) чегара божхона постлари орқали товарларни олиб ўтишда:

товар хусусияти – товарнинг истеъмол хусусиятлари, унинг тижорат мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган, шахсларнинг шахсий, oilавий ва маиший эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланганлиги инобатга олинади;

товарларнинг миқдори – товарларни олиб ўтаётган жисмоний шахс ва унинг oilа аъзолари эҳтиёжларидан ортқ миқдордаги бир турдаги (бир номда, бир ўлчамдаги, бир шакл ҳамда рангда ва бошқалар) товарларга, агар товарларни олиб

ўтаётган шахс аксини исботлаб бермаса, тижорат мақсадида фойдаланиш учун олиб кирилатган товарлар деб эътироф этилади;

товарларни олиб ўтишнинг такрорийлиги – айна бир шахс томонидан бир турдаги товарларнинг оз миқдорда бўлсада бир неча бор олиб кирилишига, агар товарларни олиб ўтаётган шахс аксини исботлаб бермаса, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун товарларни олиб кириш деб эътироф этилади. Чегара хизмати органлари томонидан фуқаролик паспортига қўйиладиган белги (штамп) Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтказиш пунктдан ўтиш такрорийлигини аниқлаш учун асос ҳисобланади;

сафарнинг ҳолатлари – сафарнинг мақсади ва давомийлиги, келиш давлати инобатга олинади;

ҳуқуқ-тартибот органларидан товарлар ва уларни олиб ўтаётган шахслар тўғрисида келиб тушган маълумотлар.

Товарнинг олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилишда oilа таркиби (товарларни олиб ўтаётган шахс томонидан тасдиқланган тақдирда), кўрсатиб ўтилган товар турларига шахснинг одатий эҳтиёжи ва олиб ўтиладиган товарлар турлари ҳам инобатга олинади.

б) халқаро почта ва халқаро курьерлик жўнатмалари орқали, шу жумладан хорижий давлатларнинг интернет-дўконларида харид қилинган товарларни олиб ўтишда:

халқаро почта ва халқаро курьерлик жўнатмалари олувчининг ёши унинг манзилга жўнатилган товарларнинг хусусиятлари билан мувофиқлиги;

бир манзил бўйича яшовчи бир ёки бир неча жисмоний шахс томонидан олиб ўтиладиган бир хил турдаги товарларни олиб ўтишнинг такрорийлиги;

декларацияда кўрсатилган товарларни қабул қилувчи манзилнинг жисмоний шахс ҳақиқатда рўйхатдан ўтган жойи билан фарқлиғи.

Юқорида кўрсатилган мезонлардан бирининг мавжудлиги, божхона чегараси орқали жисмоний шахс ва унинг oilа аъзолари томонидан олиб ўтиладиган товарлар белгиланган меъёрлардан ортқ бўлганда, улар шахсий эҳтиёжлари учун мўлжалланмаганлигига (шахсий фойдаланиш ёки истеъмол мақсадида эмаслиги) тахмин қилишга асос бўлади.

Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтилатган божхона тўловлари ундирилмайдиган ва тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган товарлар республикага олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси қодидан ва келиб чиқиб мамлакатидан қатъи назар ушбу товарларнинг божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда, чекланган меъёрлардан ортқ қисмига нисбатан ягона божхона тўлови ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон қарорига 1-илвада назарда тутилган божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим турдаги товарлар олиб ўтилганда, шу билан бирга, жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик ёки бошқа тижорат мақсадларида товарлар божхона чегараси орқали олиб ўтилганда уларнинг миқдори олиб кириш меъёрлардан ортган тақдирда, уларга нисбатан божхона қонун ҳужжатларида белгиланган божхона расмийлаштирувнинг умумий қоидалари олиб ўтилатган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан қўлланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Божхона ҳудудига кузатиб борилаётган ва (ёки) кузатиб борилмаётган бағажларда шахсий эҳтиёжлар учун бўлган товарларнинг олиб кириш чекланган нормалари, йўналиш ва етиб бориш манзилида зарур ҳамда илгари фойдаланишда бўлган шахсий эҳтиёжлар учун мўлжалланган товарларни ҳисобга олмаган ҳолда қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

йўналиш ва (ёки) етиб бориш манзилида анъанавий (одатда) тартибда фойдаланиш амалиёти, шу билан бирга мавсумийлигини, саёҳат мақсадини, транспорт турини, божхона чегарасидан ўтиш такрорийлиги;

эскириш ва бошқа ишлатилганлик белгилари (қирилиш, букилиш ва бошқа механик шикаст) мавжудлиги;

биркалар, ёрликлар, ишлаб чиқарувчи ўрови йўқлиги;

товарларни одатий тартибда фойдаланиш учун етарли бўлган даражада битта ёки бошқа миқдорда, шу жумладан мавсумийлигини, саёҳат мақсадини, транспорт турини, йўналиш давомида ёки етиб бориш манзилида объектив заруратлиги.

8. Жисмоний шахс божхона органи мансабдор шахсининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш бўйича қабул қилган қарори юзасида қонунчиликда белгиланган тартибда юқори турувчи мансабдор шахсга ҳамда судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

### 3-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9. Мазкур Низом қоидалари жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтишда икки йўлакчи тизимдан фойдаланганда ҳам қўлланилади.

10. Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни «яшил» йўлак орқали олиб ўтилишининг қонунийлиги назорати божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан танлов асосида (объектлар танлови ва (ёки) уларни назорат қилиш усуллари) ва ушбу Низомда белгиланган шартларга риоя этилмаган ҳолларда амалга оширилади.

11. Ушбу Низомнинг бузилганлиги учун айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ,  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН  
ШУҒУЛЛАНУВЧИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БИТИРГАН  
ҲАЙДОВЧИЛИККА НОМЗОДЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ЯГОНА НАМУНАДАГИ  
ГУВОҲНОМАНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА  
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди,  
рўйхат рақами 1652-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4160-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунара таълим маркази ва Ички ишлар вазирлигининг 2006 йил 27 декабрдаги 6, 48/

ҚБ, 11-сон қарори (рўйхат рақами 1652, 2007 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автоматотransпорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Транспорт вазирли  
Э.ГАНИЕВ.  
4-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирли  
И.МАДЖИДОВ.  
9-2020-сон

Ички ишлар вазирли  
П.БОБОЖОНОВ.  
21-сон

Тошкент ш., 2020 йил 25 март.

\*Ушбу қарор қарор ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.05.2020 йилдан қучга кирди.

# Корхона почта манзили ва банкни ўзгартирган бўлса, нима қилиш зарур

Корхона почта манзили ва банк реквизитларини ўзгартирди. Ёпилмаган шартномалар бор. Бундай вазиятда нима қилиш лозим? Юридик масалалар бўйича «Норма» эксперти Олег Заманов бу борада босқичма-босқич йўриқномани тайёрлади. У карантин шароитида ҳам барча зарур масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

– Корхонангизнинг жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган бўлса, қайта рўйхатдан ўтинг. Буни ўзгарган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида амалга оширинг (*Рўйхат, ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 7-илова*).

Қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектини икки хил йўл билан: ўзи келган ҳолда ва интернет орқали қайта рўйхатдан ўтказиш назарда тутилган. Давлат хизматлари агентлиги директори юзага келган эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда давлат хизматлари марказларига вақтинча бормай туришни тавсия этди.

Шу сабабли иккинчи вариантдан фойдаланинг. У бир нечта кетма-кет босқичда амалга оширилади. Ҳаммаси реал вақт режимида юз беради, бунга кўпи билан ярим соат вақтингиз кетади (*Муддатлар, 66-сон Низомга 3-илова*).

1. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимига (*кейинги ўринларда – Тизим*) кириңг. Бунинг учун [fo.birdarcha.uz](http://fo.birdarcha.uz) ҳаволаси орқали ўтинг.

2. ЭРИ ёки ONE ID тизими ёрдамида авторизация-ланиб, сайт функционалига кириш имконини қўлга кириңг.

3. «Тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказиш» хизматини танлаб, белгиланган шаклда сўровнома (ариза) тузинг (*66-сон Низомга 9-илова*). Бунинг учун Тизим босқичма-босқич блокларни тўлдириш ва киритган маълумотларингизни сақлашни таклиф этади.

Биринчи бўлимда ташкилотингиз СТИРи ва рўйхатдан ўтказиш маълумотларига ўзгартариш кири-тиш тўғрисида қарор қабул қилган органни кўрсатинг. Бундай қарорни фақат иштирокчилар ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши ёхуд хусусий корхона мулкдори қабул қилиши мумкинлигини назарда ту-тинг (*«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъу-лиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-м.; «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳу-қуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 59-м.; «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 15-м.*). Кейинги сатрда иштирокчилар, акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси ёхуд ягона иш-тирокчи, акциядор ёки мулкдорнинг қарори расмий-лаштирилган санани қайд этинг.

Сўнг 2-1 «Жойлашган жойининг (почта манзи-лининг) ўзгариши» бандига белги қўйиб, III «Тад-биркорлик субъектининг – юридик шахснинг янги жойлашган жойи (почта манзили)» бўлимини диққат билан тўлдириңг.

Фирма номи, муассислар таркиби ва устав фон-ди миқдори ўзгармагани сабабли IV–VI бўлимларни тўлдиришнинг зарурати мумкин.

VII бўлимда таъсис ҳужжатлари расмийлаштирил-ган (умумий йиғилиш ёхуд ягона муассис томонидан тасдиқланган) саналарни кўрсатиб, 7-2 бандга керак-ли белгиларни қўйинг: устав – мажбурий равишда, таъсис шартномаси эса мавжуд бўлса илова қили-нади (МЧЖ иштирокчилари биттадан ортиқ бўлса, таъсис шартномаси расмийлаштирилади).

VIII – X бўлимларни ҳам тўлдириңг.

Тузилган электрон аризани куйидаги шахсларнинг ЭРИ билан тасдиқланг:

➤ ариза берувчи – мулкдор (муассис) ёки юридик шахс раҳбари. Бунда унинг Ф.И.О., СТИР ва ЖШШИР (ШЖБПХ)ни кўрсатиш лозим;

➤ ариза берувчининг вакили (масалан, юрист ёки бош бухгалтер). Бу ҳолда қўшимча равишда унинг паспорт (серияси, рақами, берилган санаси) ҳам-да ваколатларни тасдиқловчи ҳужжат (ишоннома) маълумотлари кўрсатилади.

Иловаларга келсак, – устав ва таъсис шартномаси (мавжуд бўлганда) янги тахрирда қабул қилинади. Намунавий шакллардан фойдаланишингиз мумкин (*адлия вазирининг 20.12.2016 йилда 2848-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи*). Ушбу файлларни jpeg форматда ёки PDF форматдаги скан-нуса кўринишида бириктиришингиз мумкин. Бир жиҳатига эътибор беринг: файл ҳажми 10 МБ дан ошмаслиги керак. Ҳужжатлар: битта ҳужжат – битта файл прин-ципи бўйича Тизимга юкланиши лозим.

4. Бизнесни рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган ставканинг 25% миқдоридан давлат божини тўланг (*Миқдорларнинг 7-б., «б» кичик банди, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун билан тасдиқланган*). Тизим тў-ланиши лозим бўлган суммани автоматик равишда ҳисоблаб, инвойс тақдим этади.

Тўлов тўлангач, Тизим ҳужжатларни давлат хиз-матлари марказининг масъул ходимига автоматик равишда йўллайди ва уларда кўрсатилган маълу-мотларни тегишли маълумотлар базалари билан солиштиради.

Текширув якунлангач:

➤ тегишли ёзувлар Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига автоматик равишда кирити-лади;

➤ электрон рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома шакллантирилади (*66-сон Низомга 6, ба, 66 иловалар*);

➤ гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари электрон ҳуж-жатлар репозиторийсида сақланади;

➤ тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинетига ва аризада кўрсатилган e-mail га давлат хизматлари маркази ходимининг ЭРИ билан тасдиқланган янги гувоҳнома ва таъсис ҳужжатларига ҳавола (гиперҳа-вола) келиб тушади. Ҳужжатларда QR-код ва иден-тификация рақамлари бўлиши керак.

Қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида қийинчилик-ларга ёки Тизимдаги техник носозликларга тўқнаш келсангиз, (+71) 207-00-66 телефони орқали муро-жаат қилиңг ёки [fo.birdarcha.uz](http://fo.birdarcha.uz) сайтидаги алоқа боғлаш шаклидан фойдаланиңг.

## Солиқ инспекцияси, туман статистика бўлими ва Халқ банкни хабардор қилиш

Тизим рўйхатдан ўтказувчи органлар – давлат хиз-матлари марказларининг бошқа идоралар, шу жум-ладан солиқ органлари билан электрон ҳамкорлик қилишини назарда тутаяди, ҳужжатлар ва маълумот-лар ўзгартirilгани тўғрисида уларни хабардор қи-

лади (*Регламентнинг 3, 5-бандлари, ВМнинг 66-сон қарорига 3-илова*).

Солиқ кодексига бу борада шундай дейилган: юри-дик шахснинг жойлашган ери (почта манзили) солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари таркиби-га киради (*СК 132-м. 2-қ. 3-б.*). СК 132-м. 1-қ. келиб чиқишича, солиқ органлари ҳисоб маълумотларини солиқ тўловчининг ўзидан ёхуд ваколатли органлар-дан олади.

❗ Давлат хизматлари марказлари юридик шахсларнинг давлат реестрига киритил-ган ҳар қандай ўзгартiriшлар тўғрисида со-лиқ органларини хабардор қилишлари шарт (*СК 133-м. 1-қ.*). Бироқ юридик шахснинг жойлашган манзили (почта манзили) Тадбиркорлик субъект-лари ягона давлат реестридан кўрсатилмайдиган (*Низомнинг 5-б. «а» кичик банди, ВМнинг 66-сон қарорига 2-илова*). Бинобарин, давлат хизмат-лари марказлари у ўзгартirilгани тўғрисида солиқчиларни хабардор қилишга расман мажбур эмас.

Шу сабабли корхона кўчиб ўтган туман ДСИдан у ташкилотингизнинг почта манзили ўзгаргани тўғри-сида хабарнома олган-олмаганлиги ҳақида албатта суриштириңг.

Сиздан Солиқ тўловчи – юридик шахснинг рўйхатдан ўтказиш маълумотларини ўзгартiriш карточкасини тақдим этишни сўрашлари мумкин (*Низомга 8-илова, АВ томонидан 10.07.2014 йилда 2600-сон билан рўй-хатдан ўтказилган*). Буни [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) порталидаги солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга ошириш мумкин.

«Фуқароларнинг мурожаати» хизматидан фойда-ланиңг, тўлдирилган, сканерланган Карточка шаклини PDF-форматда бириктириб жўнатинг. Аини пайтдаги карантин шароитида тўлдирилган Карточка фотосу-рати ҳам қабул қилинади.

❗ Почта манзили (яшаш жойи), банк рекви-зитлари ўзгаргани тўғрисида ёки вако-латли давлат органи томонидан қайта рўйхат-дан ўтказилгани тўғрисида 10 кун мобайнида маълумотлар тақдим этилмагани ёхуд ёлгон маълумотлар тақдим этилгани учун мансабдор шахслардан БХМнинг 10 бараваридан 15 бараве-ригача миқдорда жарима ундирилади (*МЖТКнинг 176-2-м.*).

Ташкилотингизни солиқ бўйича ҳисобга олиш «йигмажидди» аввалги ДСИдан янги сизга топширил-ганини текшириңг. [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) порталидаги солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали янги туманда сиз учун шахсий ҳисобварақ карточкалари ва солиқ-ларни тўлаш учун ҳисобрақамлар очилган-очилмаган-ини, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга доир барча маълумотларингиз уларга тўғри киритилган-киритил-маганини текшириңг.

Қоидаларга кўра давлат хизматлари марказлари Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистрини шакллантириш ва актуализациялаш учун зарур бўл-ган ахборотни давлат статистика органларига тақ-дим этишлари шарт (*«Давлат статистикаси тўғ-рисида»ги Қонуннинг 12-м. 3-қ.*). Бу Тизим орқали автоматик режимда юз беради (*Регламентнинг 3, 5-бандлари*). Шу сабабли маълумотларингиз аввалги туман статистика бўлимидан янги сизга ўтказилганини ҳам кўнғироқ қилиб аниқланг.

Халқ банкига келсак... Ташкилот – иш берувчи жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни Халқ банкига тақдим этиши шарт (*Низомнинг 28-б., ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 1-илова*). Янги манзилингиздаги Халқ банки филиалига куйидагилар қайд этилган аризани тақдим этинг:

➤ ШЖБПХ рақами (жамғариб бори-ладиган пенсия дафтarchаси рақами);

➤ ходимлар – жамғариб борилади-ган пенсия тўловларини олувчиларнинг

## «Жавоб берамиз» инфокиоскига хуш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўл-ланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни [pogta.uz](http://pogta.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоска-сидан толасиз.


Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

✓ аввал [pogta.uz](http://pogta.uz) сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;

✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (бушанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).

Эълоб

6-бетда



## Корхона почта манзили ва банкни ўзгартирган бўлса, нима қилиш зарур



Ф.И.О., уларнинг жинси, туғилган санаси ва жойи, шунингдек паспорт маълумотлари (серияси ва рақами);

➤ жамғариб бериладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйилган санаси;

➤ уларни ҳисобга қўйган Халқ банки филиалининг номи.

Аризага давлат рўйхатидан ўтказилганингиз тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва ходимларнинг жамғариб бериладиган пенсия дафтарчалари нусхаларини илова қилинг. Жорий вазиятни инобатга олган ҳолда ҳужжатларни электрон шаклда олингани тўғрисида хабар бериладиган қилиб топширинг. Бунинг учун Халқ банкига кўнғирок қилиб, юқорида санаб ўтилган ҳужжатларни қандай қилиб масъул ходимнинг почтасига жўнатиш мумкинлигини суриштиринг.

## Лицензия ва рухсатномалар

**Лицензия ва рухсатномаларни ўзгартриш керакми?**

– Ҳа, керак.

Юридик шахснинг жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда куйидаги ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза билан ваколатли органга мурожаат қилиш лозим:

➤ лицензияни – қайта рўйхатдан ўтказилганидан кейин бир ой муддатда («*Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги Қонуннинг 20-м. 1-қ., Рўйхат, Олий Мажлисининг 12.05.2001 йилдаги 222-II сон қарорига 1-илова*»);

➤ рухсатнома тусидаги ҳужжатни – қайта рўйхатдан ўтказилганидан кейин 7 иш куни мобайнида («*Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги Қонуннинг 24-м. 1-қ.; Рўйхат, ВМнинг 15.08.2013 йилдаги 225-сон қарорига 1-илова*»).

## Контрагентлар билан тузилган шартномалар

Ўзаро шартномалар «ёпилган», бироқ келгусида ҳамкорликни давом эттириш режалаштирилмаётган контрагентларни компаниянгиз бошқа жойга кўчгани ҳақида хабардор қилиш мумкин. Бунинг учун янги почта манзили ва банк реквизитлари кўрсатилган хат йўллашнинг ўзи kifфоя. Шундай қилсангиз, сизга йўлланган тижорат таклифлари, оферталар ва бошқа ишбилармонликка оид ёзишмалар келгусида ўз эгасини топади.

Улар бўйича мажбуриятлар ҳали бажарилмаган жорий шартномаларга қўшимча қилишувларни расмийлаштириш зарур. Қўшимча қилишув предмети – тегишли томоннинг манзили ва банк реквизитлари ўзгариши (янги тахрирда баён этилади). Мисол учун, куйидаги формулировкадан фойдаланиш мумкин:

«*Томонлар ўртасида тузилган 2020 йил 1 январдаги 1-сон етказиб бериш шартномасининг VII бўлимида кўрсатилган етказиб беришнинг манзили ва банк реквизитлари куйидаги тахрирда баён этилсин: ...*».

# Ижара шартномаси муддатини узайтираётганда нималарни инобатга олиш лозим

Тарафлар нотурар жойнинг ижара шартномасини туздилар. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагач, ижарага олувчи жойдан фойдаланишда давом этади, ижарага берувчи эса эътироз билдирмайди. Бундай вазиятда нималарни инобатга олиш лозим? Ижара шартномаси муддатини узайтиришга оид жиҳатларни юридик масалалар бўйича «*Норма*» эксперти Олег Заманов тушунтириб берди.

## Шартнома муддати узайтирилганини расмийлаштириш

**Шартнома муддати узайтирилганини ҳужжатлар билан расмийлаштириш керакми?**

– Ҳа, керак.

Шартномада тарафларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади. Ижара шартномасини олайлик: ижарага берувчининг асосий мажбурияти – контрагентга вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёки фақат фойдаланиш учун мол-мулкни бериш. Ижарага олувчида қарама-қарши мажбурият юзага келади – ижара тўловини тўлаш.

Бошқалардан ташқари, шартномада уни бажариш муддатлари белгиланади («*Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида*»ги Қонуннинг 10-м.1-қ.). Мажбурият, қоида тариқасида, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади (ФКнинг 341-м.). Ижара билан бўлганидек, мажбуриятлар узоқ муддатли тусга эга бўлса, тарафлар белгиланган муддат тугагач, улар бажарилган деб ҳисобланади.

Шу сабабли контрагентлар ўзаро муносабатларни давом эттириш учун:

➤ дастлабки шартномадаги ижара муддати тўғрисидаги шартга ўзгартириш киритишлари керак. Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қилишув ҳам шундай шаклда амалга оширилади (ФКнинг 384-м. 1-қ.). Шартнома тарафларидан лоақал биттаси юридик шахс бўлса, муддатидан қатъи назар, мулк ижара шартномаси ёзма шаклда тузилади (ФКнинг 539-м. 1-қ.). Яъни ижара шартномасига қўшимча қилишувни ёзма равишда расмийлаштиришингиз керак;

➤ муддатидан ташқари бошқа шартлар (ижара тўлови миқдори, ижарага олинадиган майдон, тарафларнинг мажбуриятлари ва ҳ.к.) ҳам ўзгарса, янги ижара шартномасини тузишлари мақсадга мувофиқ. Бунда ижарага олувчи янги муддатга ижара шартномасини тузишда устувор ҳуқуққа эга бўлишини назарда тутинг (ФКнинг 553-м.).

Карантин шароитида ҳужжатларни ЭХФ ва ЭХД тизимлари ёрдамида расмийлаштириш мумкин.

## Ижара шартномаси тузилмагани учун жавобгарлик

Фақат фуқаролар – жисмоний шахслар ўртасида бино, иншоот ёки уларнинг бир қисми, турар жойнинг ижара шартномаси тузилмагани учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган (МЖТКнинг 159-1-м.). Ташкилотга жарима солинмайди. Бироқ куйидагилар нуктаи назардан юридик шахс учун шартнома бўлгани муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутманг:

➤ **бухгалтерия ҳисоби** – шартнома асосида ҳўжалик операциялари (ижара тўлови) амалга оширилади ва бошланғич ҳисоб ҳўжатлари (ҳисобварақ-фактуралар) тузилади;

➤ **солиқ солиши** – кўчмас мулк жойлашган жойга қараб хизматларни реализация қилиш жойи белгиланади (СКнинг 241-м. 3-қ. 1-қ.). Солиқ ставкаларини қўллашнинг ўзига хос хуссиятлари амал қилади (СКнинг 297-м. 3-қ. 8-б., 422-м. 1-қ. 4-б., 467-м. 7-б.);

➤ **бошқа ижарага олувчилар билан ўзаро муносабатлар** (битта ҳудудда бир нечта ижарага олувчи бўлса) – шартномада уларнинг ҳар бири ижарага оладиган кўчмас мулкнинг умумий майдони ва таркиби (артикуллари) кўрсатилади;

➤ **иккиламчи ижара шартлари**, ижара шартномасида бунга йўл қўйилган бўлса, – иккиламчи ижара муддати, мисол учун, ижара муддатидан ошиши мумкин эмас (ФКнинг 546-м. 1-қ.);

➤ **ҳуқуқ ва манфаатларни судда ҳимоя қилиш** – даъво аризасига даъво талаблари қўйилишига асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳўжатлар илова қилинади (ИПКнинг 151-м. 4-б.). Контрагент мажбуриятларни зиммасига олгани хусусидаги далилларини тақдим этмай, уларни бузганини исботлаш жуда мушкул. Тузилмаган шартномани эса муддатидан олдин бекор қилишнинг умуман имкони йўқ.

## Рўйхатдан ўтказиш керакми ёки тасдиқлаш

Бир йилдан ортиқ муддатга тузилган шартнома бўйича бино ва иншоот ёки уларнинг бир қисмини ижарага бериш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (Низомнинг 32-б. 2-хатбошиси, ВМнинг 29.12.2018 йилда 1060-сонли қарорига 1-илова). Шу сабабли ижара шартномасининг муддати узайтирилган учун умумий муддати ёхуд янги тузилган шартнома муддати 12 ойдан ошса, уларни рўйхатдан ўтказиш керак бўлади.

Ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан ким мурожаат қилиши шартлиги, буни қанча муддатда амалга ошириш лозимлиги қонун ҳўжатларида кўрсатилмаган. Тарафлар бу ҳақда ўзлари қилишиб олишлари мумкин.

Ижарани рўйхатдан ўтказиш учун БҲМнинг 1,25 баравари миқдорида йиғим ундирилади (Тартибнинг 4.10-б., ВМнинг 10.07.2014 йилда 186-сонли қарори билан тасдиқланган). Ариза давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали берилади. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига тегишли ёзув қайд этилади, ариза берувчи эса ўз хоҳишига кўра электрон ёки қоғоз шаклида ундан кўчирма олади.

**Кўчмас мулкнинг ижара шартномалари нотариал тартибда тасдиқланмайди.** Ушбу талаб 2019 йил 1 январдан бекор қилинган (25.05.2018 йилдаги ПҚ-3741-сон қарорнинг 2-б.).

Фақат фуқаролар ўртасида тузиладиган кўчмас мулкнинг (бино, иншоот ёки уларнинг бир қисми, турар жой) ижара шартномалари нотариус ўрнига солиқ органларида ҳисобга қўйилиши шарт (ФКнинг 574-м. 3-қ., 603-м. 2-қ.). Юридик шахсларнинг битимида иштирок этиши ҳақида сўз бораётган бўлса, шартномани солиқ органида ҳисобга қўйиш керак эмас. Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида низом (АВ томонидан 11.10.2018 йилда 3077-сон билан рўйхатдан ўтказилган.) юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

## Ижара тўлови миқдори қандай белгиланади

– Ушбу масала ижарага берувчининг тоифаси ва мулкчилик шаклига боғлиқ.

Ижарага берувчи жисмоний шахс бўлса, ойлик ижара тўлови 2020 йил учун белгиланган нотурар жойнинг 1 м<sup>2</sup> учун энг кам ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланади: Тошкентда – 25 минг сўм, Нукусда ва вилоят марказларидаги шаҳарларда – 15 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида – 6,5 минг сўм (9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 12-илова).

Давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳам мавжуд. Улар ҳудудлар ва иқтисодий тармоқлари кесимида тасдиқланади (Давлат активларини бошқариш агентлигининг 29.12.2019 йилдаги 1442/01-13-сонли хати).

Ижарага берувчи юридик шахс бўлиб, ижарага олинмаётган объект эса давлат мулки бўлмаса, тарафлар исталган ижара тўлови миқдорини белгилайдилар, сумма тарафларнинг қилишувига кўра белгиланади.



## «Домком»лар нимага керак?

**1-бетда** Лекин акс мазмундаги фикрлар ҳам йўқ эмас: уй бошилар кўшнилари бошини жипслаштиришда, озоишта муҳитни яратишда ёрдам беради, ўзaro ҳурмат ва хайрихоҳликка асосланган муносабатларни жорий этишда бошчилик қилишда, деганлар ҳам бор. Аслида кўп қаватли уйлarda айнан шундай муҳитни шакллантириш осон бўлмаган ишлардан. Аҳил кўшничилик муносабатлари уйдаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишнинг асл калитидир.

Ҳозирги кунда ҳаммаимиз мураккаб даврни бошдан кечирмоқдамиз. Фуқароларнинг ўзини мажбурий яққалаш вазиятида уй бошиларнинг роли ҳар қачонгидан ҳам ошган. Ёрдамга муҳтож кўшниларга ёрдам берган ҳам, йўлак ва лифтларнинг санитар ҳолатини назоратта олган ҳам, уйдаги авариявий вазиятларни тезкор ҳал қилган ҳам айнан шу уй бошилардир. Улар орасида кўнгилчилар ҳам кўп. Ҳиссиётларга берилмаган ҳолда уй бошичиликка қонунилик ва оддий ҳаётий мантқиқ билан назар ташлаб кўраимиз.

### Бундай тушунча йўқ, лекин ҳаётда ўрни бор

Хуқуқий нуқтаи назардан «уй боши» тушунчаси на Уй-жой кодексидан, на амалдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда, на яқинда қабул қилинган, лекин 2020 йилнинг 1 августидан кучга кирадиган «Кўп квартиралли уйлари бошқариш тўғрисида»ги Қонунда келтирилган. «Уй боши» хуқуқий субъект сифатида ҳам мавжуд эмас, унинг хуқуқий тартибга солиниши ҳам ишлаб чиқилмаган. Демакки, махсус хуқуқ ва мажбуриятлар ҳам мавжуд эмас. Бундан чиқди, уй бошиларнинг фаолияти ноқонуний экан-да?

Шунга қарамай, 13 йил олдин Тошкент шаҳар ҳокимининг уй бошилари ва йўлак бошилари тўғрисидаги намунавий низомилари тасдиқланган эди (23.03.2007 йилдаги 212-сон). Ушбу ҳужжатни қонунларга мувофиқ келувчи ҳужжат деб ҳисобласа бўладими? Йўқ, бўлмайди, сабаби маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари фақатгина қонунлар ва давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори турувчи органларининг қонун ва ҳужжатларини ижро этиш учун қабул қилинади.

«Уй боши» («домком») тушунчаси бизга совет давридан мерос бўлиб, аслида «уй кўмитаси» (қисқартмада – уй боши), яъни уй ҳўжалиги масала-

### Уй бўйича бошлиқ – жамоатчилик асосида

Шунга қарамай, уйда яшовчилар умумий мол-мулкни сақлаш ҳамда уйда истиқомат қилишнинг қондаларига тўғри амал қилиш мақсадида ўзларининг орасидан басобўр, туппа-тузук одамни жамоатчилик асосида ихтиёрий равишда бошлиқ этиб кимнидир сайлашларига ҳеч ким монелик қилмайди. Қонун ҳужжатларида бирор-бир жисмоний шахслар гуруҳлари уларнинг умумий манфаатлари йўлида ҳаракат қиладиган вакилни сайлашни ман этмайди. Жамоатчиликнинг бундай вакили уйда юзага келадиган масалаларни ҳал этишда ёрдам беради. Бу иш жамоат (кўпчилик уйда яшовчилар) манфаати га хизмат қилади, маош тўланмайди, шартномалар тўзилмайди. Ихтиёрий, ҳақ тўланмайдиган, одамларнинг хоҳиш-иродасига кўра уларнинг фаровонлиги учун хизмат қиладиган иш бўлади бу. Яъни, агар одамлар исташса – шундай ёрдамчини сайлашади, исташмаса – йўқ. Исталган вақтда одамлар уни жамоат ишидан четлаштириши, унинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига зид келувчи талабларини бажармаслиги мумкин.

Шубҳа йўқки, «уй боши» тушунчаси аллақачон ўз умрини яшаб бўлган. Уни истаганча ном билан аташ мумкин: ХУМШ раисининг ёрдамчиси, уй бўйи-

лари билан шуғулланадиган ўзини ўзи бошқариш органи маъносини аниқланган. Жисмоний шахсларга нисбатан қўллаганда «уй бошилар» деганда уй кўмитаси раисларини шундай деб аташган. Бизда ҳозир на уй кўмиталари бор, на тегишли равишда, уларнинг раислари. Лекин кўп қаватли уйлarda яшовчиларнинг бошини қовуштириб, умумий мол-мулкни яхшилаш гоёсига қақурувчи «уй боши» деган воқелик амалда мавжуд.

«Уй боши»ларни деярли ҳар бир кўп қаватли уйда учратиш мумкин. Уларни сайлаш заруратини одатда ширкат бошқарувининг раислари, маҳалла кўмиталари, ҳокимиятлар илгари суришадди. Уй боши этиб сайланганлар унда яшовчиларнинг вакиллари ҳисобланиб, мулкдорлар ва ХУМШ раҳбарияти ўртасидаги воситачи сифатида ҳаракат қиладилар, ширкатларга ёрдам берадилар, айниқса биттадан ортиқ кўп қаватли уйни бирлаштирган ширкатларда уларнинг ўрни яхши сезилади. Лекин уй эгаларига баъзида бу хуш келмайди, уларнинг орасида уй бошилик мансабига сохта йўллар билан эришганлар ҳам оз эмас. Одамлар уй боши деган нарсга ҳозир ўз аҳамиятини йўқотган, хуқуқий жиҳатдан эса умуман унинг ўрни йўқ деб ҳисоблашади.

ча бошлиқ, яшовчиларнинг вакили ва х.к. Фараз қилайлик, у уй бўйича бошлиқ бўлсин. Агар ширкат битта уйдан ташкил этилган бўлса, бундай бошлиққа ҳожат сезилмайди. Агар ширкат катта жамоатдан иборат бўлса, у одамларга яқинроқ бўлади, кўп қаватли уйдаги вазиятни ХУМШ раисидан кўра яхшироқ билади, доим бир жойдан «нафас олади».

Дарвоқе, кўп квартиралли уйлари бошқаришга доир янги Қонунда кўп квартиралли уй кенгашини тузиш ва кўп квартиралли уй бевосита жойларнинг мулкдорлари томонидан уй кенгаши раисини сайлашни назарда тутувчи норма киритилди. Кенгаш учинчи шахслар билан муносабатларда ширкат аъзоларининг манфаатларини ифодалайди. Буни ширкат тўзилмаган жойда ҳамжамиятдаги уй кўмитасига ўхшатиш мумкин.

Уй бўйича бошлиқнинг (уй бошининг ҳам) мақоми хуқуқий жиҳатдан тартибга солилмаганлиги сабабидан унинг хуқуқ ва мажбуриятлари аниқ-тиниқ белгилаб берилган эмас. **Жамоатчининг** уй мулкдорлари билан муносабатлари ихтиёрийлик тамойиллари асосига қурилиши керак. Уй боши ўз қондаларини тазйиқ билан ўтказмаслиги, яшовчиларни бирор хатти-ҳаракатларга мажбурлама-



лиги, одамлар, дейлик, шанбаликка чиқмаган, бирор-бир ишни бажариш учун маблағ бермаган ва ҳоказолар бўлган тақдирда уларга дағдаға қилмаслиги керак. Уй бошилари «ҳокимиятнинг оти»га

миниб олиб, ўзларига уй-жой мулкдорлари вакилларининг ваколатларини ўзлаштириб олишга, яшовчиларнинг манфаатига зид ҳаракатлар қилишга ҳақли эмаслар.

### Ваколатхона хавфли дастак бўлиши мумкин

Бундай жамоатчи томонидан қонунбузарлик ва мансаб суистеъмолликларига йўл қўймаслиқ учун мулкдорлар умумий йиғилишда уй бўйича бошлиқни сайлаш тўғрисида қарор қабул қилишлари лозим. Қарорда унинг ваколатлари тўлиқ белгилашни керак. Кишига мулкдорлар манфаатларини ифода қилиш ваколати берилар экан, қондаларда унинг мулкий мажбуриятларни бажариши (битимлар, шартномалар тузиши, мулкий ва молиявий ҳужжатларни имзолаши ва х.к.) хуқуқига эга эмаслиги албатта кўрсатилиши лозим. **Фақатгина нотариус томонидан тасдиқланган, ҳар бир ишонч берувчи, яъни мол-мулк мулкдори берган ишончнома бўлгандагина** вакил мулкий мажбуриятларни юзага келтириши мумкин. Шунда ҳам **фақат ишонч берувчининг мол-мулкига нисбатан шундай хуқуққа эга бўлади**. Мазкур тартибнинг бузилиши ўзбошимча ҳокимлик сифатида баҳоланиши ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

Бу ўринда қандай таваккалчиликлар бўлиши мумкин? Масалан, кредит олинганда ХУМШ аъзолари томонидан имзоланган умумий йиғилишнинг қарори бўлиши талаб қилинади. Лекин баъзида уй боши мулкдорларни хабардор қилмаган ҳолда раис билан биргаликда бирор

қарорни қабул қилган ҳоллар бўлади. Мулкдорлар ўрнига уларнинг вакили номидан чиқиб, қарорга уй бошининг ўзи имзо чекади. Натижда ХУМШ аъзолари улар номидан кредит олингани, энди улар бу маблағни тўлаб боришлари лозимлигидан хабардор бўлишмайди. Бу қўпол, ҳатто олдиндан қасд қилинган қонунбузарлик ҳисобланади. «Уй бошилар», ўзларини вакил ҳисоблаган ҳолда, ҳатто мажбурий бадал миқдорини оширишга доир қарорни ҳам «бир овоз»дан ҳал қилиб юборадилар.

Ёки бошқа мисолни олайлик. Айрим бошқарувчи компанияларнинг раҳбарлари одамларни ХУМШни ёпиб, умумий мол-мулкни сақлаб туришга шартномаларни улар билан имзолашга ташвиқот қиладилар. Мулкдорлар бу таклифни рад этган тақдирда, бошқарувчилар уй бошиларнинг «бошини айлантириб», шартномаларни мулкдорлар номидан уй бошилар имзолашига рози қиладилар. Яъни ваколатхона уй бўйича ноинсоф бошлиқларнинг қўлида хавфли дастакка айланиб, пировардида уларнинг ўзларини жиноий жавобгарликка етаклаши мумкин. Шунинг учун умумий йиғилиш қароридан уй бўйича бошлиқларнинг хуқуқ ва мажбуриятлар, хусусан вакиллик борасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари аниқ-тиниқ ёзилган бўлиши керак.

### Бадаллари киритишдан озод этиш қонунийми?

Яна бир мунозарали ҳолат – бир қатор «уй бошилар»ни умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларни тўлашдан озод қилиш ёки мажбурий бадаллар бўйича уларнинг қарздорлигини ҳисобдан чиқариш масаласи. Қонун ҳужжатларида ХУМШ умумий йиғилишининг аъзолари раисга, бошқарув ва тафтиш комиссиясининг аъзоларига мукофот миқдорини белгилаши мумкинлиги назарда тутилган. Лекин уй бошиларни рағбатлантириш тўғрисида ҳеч гап йўқ.

ХУМШ раҳбарлари бу борада кўпроқ маҳалла фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари шундай гоё билан чиқишларини рўқач қиладилар. Бу ХУМШ ишига маҳалланинг аралашishi эмасми? Майли, шундай экан, уй бошиларни рағбатлантириши маҳалланинг ўзи ўз зиммасига ола қолса бўлмайди?

Бадалларни тўлашдан озод этиш ўзига мансабни ясаб оладиганларнинг кўпчилиги учун энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Умумий йиғилишнинг бу борадаги қарори одатда бўлмайди ёки у ноқонуний бўлади. Мулкдорлар баъзида уй бошининг юқини улар гарданига

осишаётгани, бадаллар миқдори нима-нинг ҳисобига ошиб кетганлигини ўйлаб кўрмайдилар ҳам. Ширкатда раҳбар алмашган тақдирда эса уй боши тўлашдан ноқонуний озод этилган бадалларини тўлаб қўйиш талаб этилади.

Тўғри, агар уй бўйича бошлиқ ростдан ҳам одамларнинг оғирини енгил қилаётган, уйда яшовчиларнинг бошини қовуштираётган, умумий шарт-шароитлар яхшилланиши учун кўп куч ва вақт сарфлаётган бўлса, мулкдорлар умумий йиғилишда уни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилишлари, бу маблағни сметага киритишлари мумкин. Бу қандай асосда бўлади? Бу мулкдорларнинг ўз маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқини белгиловчи мулк ҳуқуқи асосида амалга оширилади.

Алқисса, уй бўйича бошлиқлар бизга керакми? Бу масалани мулкдорларнинг ўзлари ҳал этишлари лозим. Агар бошлиқнинг иши қониқтирмаса, уйдаги юмушларга ёрдам бериш ўрнига, ўз манфаатларини устун қўйверса, унинг ўрнига бошқани сайлаш ёхуд тамоман ундан воз кечиш мумкин.

Ирина Гребенюк, махсус муҳбиримиз.

## Карантинда иш ҳақи қанча муддат тўланмай туриши мумкин

Қайси пайтдан бошлаб корхонада иш ҳақини тўлаш бўйича қарз муддати ўтказиб юборилган ҳисобланади? Иш ҳақи бўйича муддат ўтказиб юборилганлиги учун ким ва қандай ҳажмда жавоб беради? Агар бунда банк айбдор бўлса, қандай йўл тутиш лозим? Ёки контрагентлар вақтида тўловни амалга оширмаганлиги учун корхонанинг ҳисобварағида пул мавжуд бўлмаса-чи? Вазиятни «Норма»нинг кадрлар масалалари бўйича эксперти Ленера Хикматова тушунтирди.

– Иш ҳақини бир кунга бўлса ҳам кечиктириш, сабабларидан қатъи назар, меҳнат қонунчилигининг бузилиши ҳисобланади.

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт (МК 154-м. 1-қ.). Бунинг учун раҳбар шахсан жавобгар бўлади (ВМнинг 19.03.2020 йилдаги 88-сон қарорининг 3-б. 1-хатбошиси).

Ходим шикоят билан юқори турувчи ташкилотга (агар мавжуд бўлса), касаба уюшма қўмитасига (агар у аъзо ҳисобланса), давлат меҳнат инспекциясига, прокуратурага ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

### Қонун бўйича жавобгарлик чоралари

Директорни маъмурий жавобгарликка тортишлари мумкин (МЖТКнинг 49-м.) (БХМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, бир йил давомида ҳуқуқбузарлик тақдоран содир этилган бўлса – БХМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача жарима). Шунингдек, корхона мулкдори директорни интизомий жазолаши мумкин.

Агар кечиктирилишида банк айбдор бўлса, прокуратурага мурожаат қилиш зарур. Банк ходимларини МЖТКнинг 241-7-моддасига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш (БХМнинг 20 бараваридан 40 бараваригача жарима) тўғрисида ариза берилади. Агар маъмурий жазодан кейин банк яна иш ҳақи учун пул маблағларини беришни кечиктирса, бу унинг ходимларини жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади (ЖКнинг 192-7-м.).

МКнинг 16-моддаси талаблари иш берувчига иш ҳақини ходимларга ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаган тарзда тўлаш мажбуриятини юклайди. Аниқ муддатлар корхонанинг жамоа шартномасида ёки бошқа локал норматив ҳужжатда кўрсатилган бўлиши даркор («бўнак – жорий ойнинг \_\_-санасигача, иш ҳақи – келаси ойнинг \_\_-санасигача»).

Ходимни ишдан бўшатиш чоғида иш берувчи унга иш ҳақини МКнинг 110-моддасида белгиланган муддатларда тўлашга мажбур.

### Жамоа шартномасида нимани ёзиш керак

Шунингдек, жамоа шартномасида иш берувчининг аниқ жавобгарлик чоралари белгиланади (ФКнинг 161-м. 4-қ.). Масалан, унда корхона иш ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз ходимларига тўлайдиган пеня белгиланиши мумкин. Ёки жамоа шартномасида ходимларнинг иш ҳақини тўлаш қанчадир муддатдан ортиқ кечиктириб юборилганда ишни тўхатиб туриш ҳуқуқи белгиланиши мумкин. Бунда шу давр учун ходимлар учун иш ҳақи сақланиб қолади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 2020 йил учун ишлаб чиқилган ва унинг **kasaba.uz** сайтига жойлаштирилган жамоа шартномаси макетида иш берувчининг жавобгарлик чоралари қуйидаги тарзда белгиланган (5.9-банд): «Меҳнат ҳақи, таътил учун ҳақ, ишдан бўшаш ва бошқа ҳолатлар бўйича тўланадиган тўловлар ўрнатилган муддатларга нисбатан Иш берувчининг айби

билан кечиктирилганда Иш берувчи ҳар бир кечиктирилган кун учун ходимга \_\_\_ % миқдориди, бироқ Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 1/300 қисмидан кам бўлмаган миқдорда пуллик компенсация тўлайди (5.9-б.). Шунингдек, жамоа шартномаси макети иш ҳақи бошқа органлар айби билан кечиктирилган тақдирда иш берувчи қабул қилиши керак бўлган чораларни тақлиф қилади:

➤ «хизмат кўрсатувчи банкнинг айби билан содир бўлганда – Иш берувчи (2001 йил 22 июндаги 264-сон ВМҚ асосида тузилган банк ва мижоз ўртасидаги хизмат кўрсатиш шартномасига биноан) банк раҳбариятига жарима ундириш тўғрисида талабнома киритиши ва ундирилган жаримани меҳнатга ҳақ тўлаш фондига йўналтириши ўз зиммасига олади;

➤ «муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги сабабли кечиктирилиш содир бўлганда – Иш берувчи дебитор қарзларни жарималар, пенялар билан бирга ундириши ва ундирилган маблағни меҳнатга ҳақ тўлаш фондига йўналтириши ўз зиммасига олади;

➤ кечиктирилиш ҳисобрақамида маблағнинг йўқлиги сабабли содир бўлганда – Иш берувчи тижорат банкидан кредит олиб меҳнат ҳақини тўлашни ўз зиммасига олади (ВМнинг 19.03.2020 йилдаги 88-сон қарорга биноан)» (5.8-б.).

Жамоа шартномасида белгиланган чораларнинг бажарилишини нафақат тарафларнинг вакиллари ва меҳнат жамоаси, балки Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг органлари ҳам назорат қилади (МКнинг 46-м. 1-қ.).

МКнинг 161-модданинг 4-қисми иш берувчининг жавобгарлигини айнан жамоа шартномасида регламентлаш имкониятини тўғридан-тўғри назорат туттади. Шу боис мазкур нормани бошқа локал ҳужжатга киритиш мумкин эмас.

## Янги ходим сизни алдамаётганлигини қандай текшириш мумкин

Ишга қабул қилинаётган янги ходим қандайдир шахсий сабабларга кўра олдин қаердадир ишлагани ҳақида индамай қўйиши мумкин. Меҳнат дафтарчаси мавжудлигини қандай текшириш мумкинлиги ҳақида гаплашамиз.

### Маълумотнома талаб қилиш мумкин эмас

– Меҳнат кодексига асосан ишга қабул қилиш вақтида ходим (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно) меҳнат дафтарчасини тақдим этиши шарт (МКнинг 80-м.). У ходимнинг 2020 йилга қадар амалга оширилган меҳнат фаолияти бўйича стажини тасдиқлайди.

2020 йил 1 январдан бошлаб «Ягона миллий меҳнат тизими»да (ЯММТ) рўйхатдан ўтказиладиган меҳнат шартномалари маълумотлари асосида шакллантириладиган электрон меҳнат дафтарчалари юритилади. Шунингдек эслатиб ўтамиз, амалдаги меҳнат шартномалари ЯММТда 2020 йил 1 сентябрга қадар рўйхатдан ўтказилиши зарур (31.10.2019 йилдаги ПК-4502-сон қарор).

Тегишинча, агар ходим 2020 йилда ишга кирган ва ЯММТда рўйхатдан ўтказилган бўлса, янги иш берувчи томонидан унинг шахсга доир маълумотлари

(паспорт рақами, ЖШШИР) киритилганда, унинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда пайдо бўлади.

Агарда ЯММТда ходим тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, у илгари ишлагани ва унга меҳнат дафтарчаси очилганини билиш даргумон бўлади.

Агар қабул қилинаётган илгари ҳеч қаерда ишлаганлигини айтса, ундан буни тасдиқловчи маълумотномаларни талаб қилиш мумкин эмас. Бунинг устига ҳеч бир орган бундай маълумотномани бера олмайди.

### ШЖБПХ киши ишлаганлиги ҳақида далолат қилади

Агар ходим ишга жойлаштирилган бўлса, бу кейинроқ ойдинлашиши мумкин. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобда турган (ШЖБПХ ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига эга бўлган) фуқаролар иш берувчи билан меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини тузиш чоғида ўз ШЖБПХлари (Низом 4-б. 2-хатбошиси, АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тўғрисида маълумотларни тақдим этадилар. Агар ходим бундай маълумотларни тақдим этса, афтидан, у меҳнат шартномаси бўйича ишлаган

ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари (пудрат, хизматлар кўрсатиш ва ҳ.к.) бўйича ишларни бажарган. Агарда у энда меҳнат дафтарчаси ҳам, ШЖБПХ ҳам мавжуд эмаслигини таъкидласа, иш берувчи уни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиши даркор.

ШЖБПХ доимий шахсий тартиб рақами Халқ банкнинг филиали томонидан фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) асосида берилади. Халқ банкида сизга ушбу ходимда ШЖБПХ мавжуд дейишса, бу яна бир бор қабул қилинаётган меҳнат фаолиятини амалга оширгани ва унда меҳнат дафтарчаси мавжудлиги ёки у фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузганлиги ҳақида далолат қилади.

Ҳар бир жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига очилган ШЖБПХ ҳаёти давомида амал қилади.

Ҳар қандай ҳолатда, агар сизда ходимда меҳнат дафтарчаси борлиги юзасидан шубҳа бўлса, ундан илгари ҳеч қаерда ишлаганлиги тўғрисида ариза ёзиб беришини ва ШЖБПХ мавжудлигини тушунтириб беришини сўранг.

Ленера Хикматова, «Норма» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**  
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.  
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Таҳририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz,  
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш  
масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муражат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терғилди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсатиши – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 бошма табоқ. Баҳоли келишидан нарҳда.  
Буяртма г-522. Адади 550. Газета 2020 йил 18 май соат 14.30 да топширилади.